



Тарих дарсларида илғор педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш йўллари

Култаева Малика Нуралиевна

Сурхондарё вилояти Жарқўрғонтумани

2-мактаб тарих фани ўқитувчиси

Култаева Малика. Тарих дарсларида илғор педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш йўллари.

Мақолада умумтаълим мактабларида тарих фани давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларда компетентлиликни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари тарих фанини ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш орқали компетенцияларни шакллантириш, ўқувчилар тафақурини ўстириш, олган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётда қўллай олиш қобилиятларини шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари ҳақида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: таянч ва фанга оид компетенциялар, дарсга замонавий ёндошув, компетенция, компетенцияга асосланган ёндашув, билим, кўникма, малака.

Чет тилини ўқитишдаги ижобий натижаларни ҳисобга олиб узлуксиз мажбурий таълим тизими учун бошқа умумтаълим фанларидан ҳам компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари асосида ишлаш амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ривожланган давлатларнинг таълим стандартларини ўрганиш натижаларидан ҳамда мамлакатимизда хорижий тиллардан узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибасидан келиб чиқиб, компетенциявий ёндашувга асосланган умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тайёрланди ва мазкур ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларини 2013–2017 йилларда тажриба- синовдан ўтказилди ва унинг натижаларига кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли Қарорига мувофиқ ҳозирги кунда амалга оширилиб келинмоқда.

5-синфда тарихдан хикоялар фани бўйича компетенциявий ёндошувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳасида берилган материаллар ўқувчиларнинг қобилияти, ёши, психологик хусусиятлари, физиологик



ривожланишига мос келади. Дастурдаги мавзулар мантикий ва хронологик жихатдан кетма-кет жойлаштирилганлиги, уларни ўқитиш жараёнида фанлараро боғлиқлик асосида таълим бериш имкони мавжуд бўлиб, хусусан дастурдаги “Мактаб илм ўчоғи”, “Юртимиз алломалари”, “Буюк даҳолар кашфиётлари”, “Туркистон маърифатпарварлари”, “Олимпия Ўйинлари: қадимда ва ҳозир”, “Тўмарис ва Широқ жасорати”, “Спитаменнинг қахрамонлиги”, “Арабларга қарши халқ озодлик курашлари”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Амир Темури жасорати ва унинг давлати”, “Темурийлар даври маданияти”, “Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарлар”, “Тошкент - 2200 ёшда”, “Ўзбекистоннинг тарихий-меъморий обидалари”, “Тарихий обидалар” мавзуларини ўрганишда ўқувчиларда фикрни баён қилиш, маълумот бера олиш, тарихий манбалар билан ишлаш, айниқса, харита ва архив ҳужжатлари билан ишлашда тарих таълимига оид назарий билимларини бойитиб бориш, маънавий маданиятга эга бўлиш компетенцияларини шакллантириш мумкин.

“Мактаблар тарихи”, “Ўрта Осиёлик мутафаккирлар. Илм-фан равнақи”, “Буюк даҳолар кашфиётлари”, “Туркистон маърифатпарварлари”, “Олимпия Ўйинлари: қадимда ва ҳозир”, “Темурийлар даври маданияти”, “Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарлар”, “Тошкент-2200 ёшда”, “Ўзбекистоннинг тарихий-меъморий обидалари”, “Тарихий обидалар” мавзуларини ўзлаштиришда ўқувчиларда маънавий маданиятга эга бўлиш компетенциясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Дарслик китобидаги маълумотлардан ўқувчилар IX-XII асрларда Ўрта Осиёда фаолият олиб борган буюк мутафаккирлар уларнинг нафақат Ўрта Осиёда, балки, жаҳон илм фанининг равнақига қўшган ҳиссаси, бу даврда барпо этилган меъморий иншоотлар, диний эътиқод, санъат биз учун нақадар қадрли эканлиги ҳамда ўрта асрларда аждодларимиз бой маданиятга эга эканлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишида дарс жараёнида ишчанлик ўйинларидан “Буни ким билади?”, “Ким қандай фикр билдиради”, шунингдек, БББ, Кластер, “Буюк аждодларимиз ҳақида қуйидагиларни биламан....”, “Мавзу юзасидан қуйидагиларни биламан...” каби интерфаол усуллардан самарали фойдаланилса мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Санаб ўтилган усулларни қўллашда ўқитувчининг ижодий ёндошиши талаб



этилади, албатта. Бундан ташқари қўлланилган усуллар орқали ўқувчилар мавзулар бўйича билимларга эга бўлибгина қолмай, балки ўрта асрларда аждодларимизнинг бой маданиятга эга эканлигидан ўқувчиларда фахрланиш туйғуларини шакллантираемиз.

Ўқитувчи берилган компетенцияларни шакллантиришда, дарслик ва харита билан ишлаш, кўргазмали қуроллар билан, қўшимча манбалар билан ишлаш, дарсларни илғор педагогик технологиялардан, хусусан “Ақлий ҳужум”, “Баҳслашув”, “Зинама-зина”, КБИ, “БББ” “Мулоқот”, “Тушунчалар таҳлили”, “Мунозара” ва “Ёзма баҳс” услубларидан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқариши мумкин.

7-синфда “Ўзбекистон тарихи” дарсларида ўқитувчи берилган компетенцияларни шакллантиришда, дарслик ва харита билан ишлаш, кўргазмали қуроллар билан, қўшимча манбалар билан ишлаш, дарсларни илғор педагогик технологиялардан, хусусан “Ақлий ҳужум”, “Баҳслашув”, “Зинама-зина”, КБИ, “БББ” “Мулоқот” ва “Тушунчалар таҳлили” усуллардан фойдаланиши мумкин.

Бугунги кунда компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари амалда. Дарсни замонавий ёндашув асосида ташкил қилиш ва ўтиш муҳимдир. Мавзуларни тушунтиришда қўшимча маълумотлардан фойдаланиш, илғор педагогик технологиялардан, интерфаол усуллардан фойдаланиш таянч компетенцияларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли қўлланилган ва қўлланилаётган илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан ижодий ёндошган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. **Фикримча**, таянч компетенцияларини шакллантиришда кўпроқ ўқувчиларга реферат ёзиб келиш топшириғи берилса ҳамда ушбу рефератни қайси манбалардан фойдаланиб ёзиши тавсия этилса, ўқувчи тавсия этилган ОАВ ва интернет, тарихий-бадий асарлардан фойдаланиб берилган топшириқни бажариб келиши осонлашади. Дарсда мавзу бўйича интерфаол усуллардан, ишчанлик ўйинларидан унумли ва самарали, ўз ўрнида фойдаланилса дарс мазмунли ўтади, самарадорлиги ошади. Албатта, дарс самарадорлигига эришиш ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши шарт ва зарурдир.



АДАБИЁТЛАР :

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият” нашриёти, Тошкент. 2008 й. 4.Андреев А.Л. Компетентностная парадигма в образовании: опыт философско-методологического анализа педагогика // Педагогика. - 2005. - № 4.
2. Алексеева Л. П., Шаблыгина Н.С. Преподавательские кадры: состояние и проблемы профессиональной компетентности. М.: НИИВО, 1994.
3. Байденко В.И., Джерри ван Зантворт. Модернизация профессионального образования: современный этап. Европейский фонд образования. М., 2003.
4. Н. Ш. Турдиев.Таянч компетенцияларни шакллантириш муаммонинг ечимини топиш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этади .”Умумтаълим фанлари методикаси” журнали, 2014 й, № 3.2-4 б.